

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.10.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

БАЙМАТОВ ШАХРИДДИН ХУШВАҚТОВИЧ

**АНИЗОТРОП ГРУНТЛИ ТЎҒОНЛАРИДА НОТУРҒУН
ФИЛЬТРАЦИЯНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.09.06-Гидротехника ва мелиорация қурилиши

техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

**Техника фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
авторефератининг мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD) по
техническим наукам**

**Conten of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD) on technical
sciences**

Байматов Шахриддин Хушвақтович

Анизотроп грунтли тўғонларида нотурғун филтрацияни ҳисоблаш
усулларини такомиллаштириш..... 3

Байматов Шахриддин Хушвақтович

Совершенствование методов расчета неустановившейся филтрации в
плотинах с анизотропными грунтами..... 21

Baymatov Shakhriddin Khushvakhtovich

Improvement of methods of calculation of unstable filtration in dams with
anisotropic soils 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.10.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

БАЙМАТОВ ШАХРИДДИН ХУШВАҚТОВИЧ

**АНИЗОТРОП ГРУНТЛИ ТЎҒОНЛАРИДА НОТУРҒУН
ФИЛЬТРАЦИЯНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.09.06-Гидротехника ва мелиорация қурилиши

техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PHD/T1228 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме), илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (tiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Файзиев Хомитхон
техника фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Эшев Собир Саматович
техника фанлар доктори, профессор.

Рахматов Норқобил Рахматович
техника фанлар номзоди, доцент.

Етакчи ташкилот:

И.А.Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети.

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc. 27.06.2017. Т. 10.02 рақамли илмий кенгашнинг «17» ноябрь 2020 йил соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Ташкент ш., Қори – Ниязий кўчаси 39-уй. Тел: (+99871) 237-19-61, 237-22-09, Факс: (+99871) 237-54-79, e-mail: (admin@tiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (121 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Ташкент ш., Қори Ниязий 39, Тел: (+99871) 237-19-45. e-mail: (admin@tiame.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил «30» 12 тарқатилди.

(2019 йил «30» 12 даги 121 рақамли реестр баённомаси)



Т.З.Султанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

А.А.Янгиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор.

М.Р.Бакиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кўплаб комплекс мақсадлардаги сув омборлари барпо этилмоқда. Уларни асосий сув димловчи иншооти грунтли тўғонлар ҳисобланади. Бундай иншоотларни лойиҳалаш ва қуришда уларни қиялиги турғунлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан, грунтли тўғонларини мустаҳкамлиги ва турғунлигини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада, кўпгина мамлакатларда, жумладан АҚШ, Канада, Испания, Франция, Россия ва бошқа ривожланган мамлакатларда грунтли тўғонларини лойиҳалашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, уларнинг қияликлари турғунлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Жаҳонда грунтли тўғонларидаги нотурғун филтрация грунтларни анизотроплигини ҳисобга олиб тадбиқ қилиш, анизотропияни тўғон қиялиги турғунлигига таъсирини аниқлашга йўналтирилган мақсадли илмий тадқиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан грунтли тўғон танаси ва заминида грунтларнинг таркибидаги анизотроплигини ҳисобга олиб, нотурғун филтрацияни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш, анизотроп грунтли тўғонларида нотурғун филтрацияни тўғон қиялиги турғунлигига таъсирини аниқлаш ва анизотроп грунтли тўғон қиялиги турғунлигини оширувчи конструктив тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Республикамизда грунтли тўғонларидаги нотурғун филтрацияни грунтларни филтрацияга оид анизотроплигини ҳисобга олиб ўрганиш асосида уларни хавфсизлиги ва ишончилигини таъминлаш, уларни хизмат қилиш муддатини ошириш ва хавфсизлик мезонини ишлаб чиқишга қаратилган кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодий тармоқларнинг ривожлантириш учун мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш» вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан грунтли тўғонларидаги нотурғун филтрациянинг грунтларини филтрацияга оид анизотроплигини ҳисобга олиб, ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш ва уларни тўғон қиялиги турғунлигига таъсирини баҳолаш ва унга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 7-февралдаги “ПФ-4947-сонли Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони¹, 2017 йил 25-сентябрдаги ПҚ-3286-сонли “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2013 йил 28

¹ Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 7-февралдаги “ПФ-4947-сонли Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

февралдаги ПҚ-1926-сонли “Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари ва аҳолисини, сел-тошқин ва кўчки ходисалари билан боғлиқ бўлган фавқулодда вазиятлардан химоя қилиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017 йил 2 майдаги ПҚ-2947-сонли “2017 — 2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида” Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. “Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёни қайта ишлаш)” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Грунтли тўғонларидаги нотурғун фильтрациянинг грунтларини фильтрацияга оид анизотроплилигини ҳисобга олиб ҳисоблаш масалаларига оид назарий ва амалий тадқиқотлар Республикамиз ва хориждаги: шу жумладан, Н.Н.Павловский, Н.Е.Жуковский, В.И.Аравин, С.Н.Нумеров, Н.А.Анискин, Н.Н.Веригин, М.И.Деткова, Г.Н.Кононенко, А.Л.Можевитинов, А.Г.Сулейманов, В.П.Недрига, П.Я.Полубаринова-Кочина, Л.Н. Рассказов, К.Н.Анахаев, Г.И.Покровский, В.В.Бухарцев, Р.А.Ляхевич, М.Мемарианфард, И.С.Теплицкий, И.А.Чарный, В.М.Шестаков, Г.Шниттер, Й.Целлер, С.М.Горюнов, М.Р.Бакиев, Э.Ж.Махмудов, Ф.Б.Абуталиев, И.К.Хужаев, С.Н.Бабакаев, Т.Хожиев, Х.Файзиев, И.Хажиев каби олимларнинг тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Грунтли тўғонлар мустаҳкамлиги ва турғунлигини тадқиқ қилиш, анизотроп грунтларда нотурғун фильтрацияни тўғон қиялиги турғунлигига таъсирини ўрганиш, бундай фильтрация жараёнида қиялик турғунлигини оширувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқишга оид тадқиқотлар В.В.Соколовский, С.С.Голушкевич, В.Г.Березанцев, В.Феллениус, К.Терцаги, Г.Крей, А.А.Ничипорович, Д.Тейлор, И.В.Федоров, Н.Н.Маслов, А.Л.Можевитинов, Р.Р.Чугаев, М.М.Гришин, А.И.Иванов, Н.С.Моргунов, Л.Н.Рассказов, А.Л.Голдин, Н.А.Анискин, В.В.Бухарцев, В.С.Забавин, М.М.Мирсаидов, М.Р.Бакиев, К.Д.Салямова, Т.З.Султонов, Х.Файзиев ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида батафсил ёритилган ва маълум ижобий натижаларга эришилган.

Бугунги кунда анизотроп грунтларда фильтрация масалаларига бағишланган ишлар кўплигига қарамасдан ушбу масала долзарб ва охиригача ўрганилмаган деб ҳисобланади. Грунтли тўғонларини мавжуд ҳисоблаш усуллари ҳозирги пайтгача тўғон танасидаги грунтларнинг анизотроплилигини тўлиқ ҳисобга олмайди, бу эса, тўғонни қуриш ва ундан фойдаланиш шароитига таъсир ўтказди, айрим ҳолларда эса уни талофат кўриши ва бузилишига сабаб бўлади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-14-30 рақамли «Грунтли тўғон танаси ва заминда грунтларни таркибини кўп жинслилиги ва анизотроплилигини ҳисобга олиб, нотурғун фильтрацияни ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш ва уларни тўғон қияликлари турғунлигига таъсирини аниқлаш» мавзусидаги лойиҳа доирасида (2015-2017 йй.) бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Грунтли тўғон танаси ва заминда грунтларни анизотроплилигини ҳисобга олиб нотурғун фильтрацияни ҳисоблаш усулини такомиллаштириш ва уларни тўғон қияликлари турғунлигига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

грунтли тўғонларининг танаси ва заминда грунтларни кўп жинслилиги ва фильтрацияга оид анизотроплилигини ҳисобга олувчи мавжуд ҳисоблаш усуллари таҳлил қилиш;

грунтли тўғон танаси ва заминда грунтларни анизотроплилигини ҳисобга олиб, нотурғун фильтрацияни ҳисоблаш усулини такомиллаштириш;

грунтли тўғон танаси ва заминдаги грунтларни анизотроплилигини грунтли тўғонда фильтрация режимини ҳосил бўлишига ва фильтрация оқими асосий параметрлари: депрессия эгри чизиғи ҳолатига, фильтрация градиенти ва сарфи миқдорига таъсирини таҳлил қилиш;

нотурғун фильтрацияда грунтларни анизотроплилигини грунтли тўғон юқори қиялиги турғунлигига таъсирини баҳолаш;

нотурғун фильтрацияда грунтни анизотроплилигини ҳисобга олиб тўғон қиялиги турғунлигини оширувчи конструктив тадбирларни таҳлил қилиш ва танлаш.

Тадқиқот объекти сифатида Республикамиз сув омборларидаги грунтли тўғонлари олинган.

Тадқиқот предмети. Грунтли тўғонларидаги нотурғун фильтрацияни ҳисоблаш усулидаги грунтларни фильтрацияга оид анизотроплилигини ҳисобга олиб такомиллаштириш ҳамда ушбу фильтрацияни тўғон қияликлари турғунлигига таъсирини баҳолаш масалалари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида нотурғун фильтрация тенгламаларини ечишда сонли усуллари ва ҳисоблашнинг компьютер дастурларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

грунтли тўғон танаси ва заминда грунтларнинг таркибини анизотроплилигини ҳисобга олиб, нотурғун фильтрацияни ҳисоблаш усули такомиллаштирилган;

грунтли тўғон танаси ва заминдаги грунтларни анизотроплилигини грунтли тўғонда фильтрация режимини ҳосил бўлиши ва фильтрация оқими асосий параметрлари: депрессия эгри чизиғи ҳолати, фильтрация градиенти ва сарфи миқдорига таъсири асосланган;

нотурғун фильтрацияда грунтларни анизотроплилигини грунтли тўғон қиялиги турғунлигига таъсири асосланган;

анизотроп грунтли тўғон қиялиги турғунлигини таъминловчи қурилмаларнинг конструктив ечимлари баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

сув ўтказмайдиган ва ўтказадиган заминлардаги бир жинсли дренажсиз, дренаж призмали ва қатламли дренажли грунтли тўғонларида нотурғун фильтрацияни ҳисоблаш усули грунтларни анизотроплилигини ҳисобга олиб такомиллаштирилди;

грунтли тўғонларида грунтларни фильтрацияга оид анизотроплилигини ҳисобга олиб, нотурғун фильтрацияни ҳисоблаш дастури ва алгоритми тузилди;

Анизотроп грунтли тўғонларида нотурғун фильтрацияни қиялик турғунлигига таъсири ўрганилди ва уларни турғунлигини оширувчи самарали тадбирлар танланди ва тавсия қилинди.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишлаб чиқилган ҳисоблаш усуллари ва ЭХМ дастурлари билан олинган натижалар аниқ ечимга эга бўлган маълум модели масалаларнинг ечимлари солиштирилганлиги, бошқа тадқиқотчиларнинг натижалари билан мослиги ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сув ўтказмайдиган ва ўтказадиган заминларда бир жинсли дренажсиз, дренаж призмали ва қатламли дренажли грунтли тўғонларида нотурғун фильтрацияни ҳисоблаш усулини грунтларни фильтрацияга оид анизотроплилигини ҳисобга олиб такомиллаштирилганлиги, анизотроп грунтлардаги нотурғун фильтрацияда грунтли тўғон танасидаги депрессия эгри чизиғи ҳолатига сув омборидаги сув сатҳининг пасайиш тезлигини, грунтларни фильтрация коэффициентини таъсирини ўрганилганлиги ва ушбу фильтрацияни тўғон юқори қиялиги турғунлигига таъсири баҳоланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалий аҳамияти ишлаб чиқилган анизотроп грунтли тўғонлардаги нотурғун фильтрацияни ҳисоблаш усули амалда лойиҳалаш амалиётида тўғонлардаги фильтрация оқимини параметрларини янада асосланган ҳолда аниқлаш ва тўғон қиялиги турғунлигини тўғри баҳолаш имкониятини яратганлиги ва бунинг натижасида иншоотни керакли мустаҳкамлиги ва турғунлиги таъминланганлиги ҳамда бунинг натижасида тўғон ҳажми ва қурилишнинг таннархи камайганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Анизотроп грунтли тўғонларида нотурғун фильтрацияни ҳисоблаш усулини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

грунтли тўғон танаси ва заминида грунтларнинг таркибини анизотроплилигини ҳисобга олиб, нотурғун фильтрацияни ҳисоблашни такомиллаштирилган усуллари Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирилиги тасарруфидаги Ўздавсувхўжалик назорат инспекцияси томонидан

Чортоқ сув омбори грунтли тўғонини танаси ва заминидаги нотурғун фильтрацияни ҳисоблашга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 18 сентябрдаги 03/25-3602-сонли маълумотномаси). Натижада грунтли тўғонларда нотурғун фильтрацияни ҳисоблаш вақти камайган ва грунтли тўғонларни ишончилиги ва хавфсизлигини баҳолаш аниқлиги ортган;

грунтли тўғон танаси ва заминидаги грунтларни анизотроплилигини грунтли тўғонда фильтрация режимини ҳосил бўлишига ва фильтрация оқими асосий параметрларига таъсири Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Резаксой сув омборидан фойдаланиш бошқармаси томонидан Резаксой сув омбори грунтли тўғонидаги нотурғун фильтрацияни ҳисоблашга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 18 сентябрдаги 03/25-3602-сонли маълумотномаси). Натижада грунтли тўғонларни нотурғун фильтрацияни ҳисоблаш вақти камайган ва грунтли тўғон юқори қиялик турғунлигига нотурғун фильтрация параметрларининг таъсирини баҳолаш аниқлиги ортган;

нотурғун фильтрацияда грунтларни анизотроплилигини грунтли тўғон қиялиги турғунлигига таъсири Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги “UZGIP” МЧЖ лойиҳа институти томонидан Сардоба сув омбори грунтли тўғонини танаси ва заминидаги нотурғун фильтрацияни ҳисоблашга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 18 сентябрдаги 03/25-3602-сонли маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган сонли усул ва алгоритмлар грунтли тўғонларидаги нотурғун фильтрацияни грунтларни фильтрацияга оид анизотроплилигини ҳисобга олиб ҳисоблаш ва грунтларни анизотроплилигини тўғон юқори қиялиги турғунлига таъсирини аниқлаш имконини берган;

грунтли тўғон танаси ва заминида грунтларнинг таркибини анизотроплилигини ҳисобга олиб, нотурғун фильтрацияни ҳисоблашни такомиллаштирилган усуллари ва грунтларни анизотроплилигини грунтли тўғон қиялик турғунлигига таъсири Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Ирригация ва сув муаммолари институти томонидан Каттакўрғон сув омбори грунтли тўғонидаги нотурғун фильтрацияни ҳисоблашга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 18 сентябрдаги 03/25-3602-сонли маълумотномаси). Натижада грунтли тўғонларни нотурғун фильтрацияни ҳисоблаш вақти камайган ва грунтли тўғонларни ишончилиги ва хавфсизлигини баҳолаш аниқлиги ортган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари халқаро, республика ва институт миқёсидаги 7 та анжуманларда муҳокама қилинган ва маъқулланган, шу жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика 1та институт миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса фойдаланилган адабиётлар руйхати ва иловалардан иборат.

Диссертациянинг умумий ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот ишларининг ишончилиги, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Грунтларни анизотропик хоссаларини ўрганилганлик даражаси. Анизотроп грунтли тўғонларида нотурғун фильтрацияни ҳисоблашдаги мавжуд усуллари таҳлил қилиш»** деб номланган биринчи бобида грунтларни анизотроплигини ўрганиш натижалари ва анизотроп грунтли тўғонларни мавжуд ҳисоблаш усуллари таҳлили келтирилган

Грунтларни анизотроплиги масалалари билан Ю.М.Абелев, М.Ю.Абелев, Л.С.Амарян, Н.Д.Банников, А.К.Бугров, М.Н.Гольдштейн, Л.И.Кульчицкий, Е.Е.Керкс, В.Д.Ломтадзе, А.А.Мустафаев, В.М.Павилонский, С.А.Роза, Ю.А.Соболевский ва бошқалар шуғилланишган. Уларни қайд этиши бўйича кўплаб грунтлар ўзини табиатига кўра анизотроп ҳисобланади. Амалда барча чўкувчан грунтлар у ёки бу даражада деформация, фильтрацияга ёки мустаҳкамликка оид анизотропияга эга. Уни ҳисобга олмасдан грунтли тўғонлар ва грунтли массивларни ҳисоблаш усулини такомиллаштиришни тасаввур қилиш мумкин эмас. Олиб борилган тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, грунтларни тадқиқ қилишда уларни физик-механик хоссалари билан бир қаторда уларни горизонтал ва вертикал йўналишдаги фильтрация коэффициентини ҳам ўрганиш кераклиги қайд этиб ўтилган.

Грунтли тўғонларидаги нотурғун фильтрациянинг грунтларни анизотроплигини ҳисобга олиб ўрганиш масалалари билан кўплаб тадқиқотчилар шуғулланишган. Шу жумладан, Н.Н.Павловский, Н.Е.Жуковский, В.И.Аравин, С.Н.Нумеров, Х.Абаджиев, Н.Н.Веригин, А.А.Можевитинов ва А.Г.Сулейманов, В.П.Недрига, П.Я.Полубаринова-

Кочина, Е.Рейниус, В.М.Шестаков, Л.Н.Рассказов, Н.А.Анискин, Анахаев, Р.А.Ляhevич, М.Мемарианфард, Ф.Б.Абуталиев, М.Р.Бакиев, Х.Файзиев, С.Н.Бабакаев ва бошқалар.

Грунтли тўғонларни фильтрация ҳисоблари бўйича бажарилган ишларни таҳлил қилиш натижалари ушбу масалага олимлар, лойиҳачилар, амалиётчилар томонидан қизиқиш катталигини кўрсатди.

Анизотроп грунтларда фильтрация масалаларига бағишланган ишлар кўплигига қарамасдан ушбу муаммо бугунги кунда жуда долзарб ва охиригача ўрганилмаган деб ҳисобланади. Грунтли тўғонларни мавжуд ҳисоблаш усуллари ҳозирги пайтгача тўғон танасидаги грунтларни анизотроплилигини тўлиқ ҳисобга олмайди, бу эса, тўғонни қуриш ва ундан фойдаланиш шароитига таъсир ўтказди, қатор ҳолларда эса уни талофат кўриши ва бузилишига сабаб бўлади.

Диссертациянинг «Анизотроп грунтли тўғонларида нотурғун фильтрацияни чекли айирмалар усулида ҳисоблаш» деб номланган иккинчи бобида анизотроп грунтли тўғонларда нотурғун фильтрация масалаларини чекли айирмалар усулида ечиш масалалари келтирилган.

Грунтли тўғонларида юқори бьефдаги сув сатҳи пастлаши билан боғлиқ бўлган нотурғун анизотроп фильтрация икки ўлчовли ҳолатда $\Omega = \{a \leq x \leq b, c \leq y \leq d, t_n \leq t \leq t_k\}$ областида қуйидаги параболик типдаги чизиксиз дифференциал тенглама билан ифодаланади:

$$A_0 \frac{\partial U}{\partial t} = A_1 \frac{\partial}{\partial x} \left(A_2 \frac{\partial U}{\partial x} \right) + A_3 \frac{\partial}{\partial y} \left(A_4 \frac{\partial U}{\partial y} \right) + A_5 \frac{\partial U}{\partial x} + A_6 \frac{\partial U}{\partial y} + F \quad \dots (1)$$

ва қуйидаги бошланғич

$$U(x, y, t)|_{t=0} = \psi(x, y) \quad (2)$$

ва чегара шартлари

$$g_{11} \frac{\partial U}{\partial x} + g_{12} U(x, y, t)|_{x=a} = \varphi_1(y, t), \quad c \leq y \leq d, \quad (3)$$

$$g_{21} \frac{\partial U}{\partial x} + g_{22} U(x, y, t)|_{x=b} = \varphi_2(y, t), \quad c \leq y \leq d, \quad (4)$$

$$g_{13} \frac{\partial U}{\partial y} + g_{14} U(x, y, t)|_{y=c} = \varphi_3(x, t), \quad a \leq x \leq b, \quad (5)$$

$$g_{23} \frac{\partial U}{\partial y} + g_{24} U(x, y, t)|_{y=d} = \varphi_4(x, t), \quad a \leq x \leq b, \quad (6)$$

остида ечиладиган тадбиқий масала билан ифодаланаши мумкин.

бунда: U – грунт сувлари сатҳи, м; t – вақт, суткада; a, b, c, d, t_n, t_k – x, y ва t бўйича мос равишда ҳисобий кесим области чегараси; $A_i (i = \overline{0, 6})$ – коэффициентлар, умумий ҳолда улар t, x, y, U функцияси бўлиши мумкин; $\psi, \varphi_i (i = \overline{1, 4})$ – берилган функция; $g_{ij}, (i = \overline{1, 2}; j = \overline{1, 4})$ қийматлари ёрдамида (3)-(6) чегара шартлари типи аниқланади.

Ушбу (1)-(6) масала умумий кўринишда махсус областда кўп жинсли муҳитда грунт сувларини тақсимланишини аниқлашда хусусан тўртбурчак, трапеция ва учбурчак шаклида кузатилади. Ушбу масалани сонли ечиш учун σ оғирлик коэффициентли ўзгарувчан йўналишли чекли айирмалар усули қўлланилган. (1) тенгламани A_i ва F бўйича чизигли эмаслигини ҳисобга

олиб, ҳисоблашларни битта олдинги вақтинчалик қатлам билан биргаликда итерациясиз ёки ҳар бир вақтинчалик қатламда итерацияни ҳисобга олиб бажариш мумкин.

Бизга маълумки, агарда битта олдинги вақтинчалик қатламда чизиксиз элементларни ҳисоблаш билан чеклансак, у ҳолда итерацияни қўллаш учун зарурият бўлмайди. Кетма-кет яқинлашувчи итерация усулини қўллаш учун (1) тенгламада чизиксиз элементларни чизиклаштиришнинг Пикар ва Ньютон усулларидадан фойдаланилади. Одатда, чизиксиз коэффициентлар Пикар бўйича чизиклаштирилади, F функция эса Ньютон бўйича чизиксизлаштирилади. Бундай ҳолларда ушбу итерация жараёнини тугаллаш учун олдиндан берилган етарли кичик бўлган $0 < \varepsilon < 1$ учун қуйидаги яқинлашиш шарти бажарилиши талаб қилинади:

$$\max_{ij} \left\{ \left| U_{ij}^{(k+1)s+1} - U_{ij}^{(k)s+1} \right| \right\} < \varepsilon \quad (7)$$

Тест масаласи.

Ушбу тенгламани

$$\mu \frac{\partial U}{\partial t} = \frac{\partial}{\partial x} \left(K_x \frac{\partial U}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left(K_y \frac{\partial U}{\partial y} \right) + \gamma f(x, y, U) \quad (8)$$

қуйидаги бошланғич

$$U(x, y, t)|_{t=0} = e^{a_1 x + a_2 y} \quad (9)$$

ва чегара шартларида:

$$U(t, x, y)|_{x=a} = e^{a_0 t + a_1 a + a_2 y} \quad (10) \quad U(t, x, y)|_{x=b} = e^{a_0 t + a_1 x + a_2 d} \quad (11)$$

$$\frac{\partial U}{\partial y} \Big|_{y=c} = a_2 e^{a_0 t + a_1 x + a_2 c} \quad (12)$$

$$\frac{\partial U}{\partial y} \Big|_{y=d} = a_2 e^{a_0 t + a_1 x + a_2 d} \quad (13)$$

кўриб чиқамиз,


бунда: K_x, K_y – мос равишда горизонтал ва вертикал бўйича ўзгармас фильтрация коэффициенти, м/сутки; μ – сув берувчанлик коэффициенти; $\gamma, \alpha_0, \alpha_1, \alpha_2$ – маълум параметрлар. $\mu, K_x, K_y, \gamma, \alpha_0, \alpha_1, \alpha_2$ параметрларни ушбу масалани ечиш характериға таъсирини тадқиқ қилиш ҳар доим долзарб ҳисобланади ва бунинг учун ушбу параметрларни ҳар хил ўзгаришини ичига олган ҳисоблаш экспериментларини бажариш талаб этилади, айниқса

$1 \leq \frac{K_x}{K_y} \leq 10$ ва $1 \leq \frac{K_y}{K_x} \leq 10$ миқдорни нисбатларида қизиқарли ҳисобланади.

$f(x, y, U) = U, \quad \gamma = \mu \alpha_0 - (K_{yx} a_1^2 + K_y a_2^2)$ шартида (8-13) тест масаласи қуйидаги кўринишдаги аниқ ечимга эга

$$U = e^{a_0 t + a_1 x + a_2 y} \quad (14)$$

Шу муносабат билан юқоридаги алгоритм бўйича турли айирмалар усулида итерациясиз ва итерацияли усулда сонли ҳисоблар бажарилган, айнан: $\sigma = 0.5, 0.7, 1$ ва 1.2 қийматларида. $x_5 = y_5 = 0.08$, тугунли нуқталарида аниқ ечим (14)ни (8)-(13) масала билан таққослаш бўйича параметрларни қуйидаги миқдорларида $\mu = 0.05; K_x = 0.4; K_y = 0.2;$ ва $\alpha_0 = \alpha_1 = \alpha_2 = -1$ бажарилган сонли ҳисоблар натижалари қуйидаги графикда келтирилган (1- расм).



1-расм. $U(t, x_5, y_5)$ тугун нуқталарини ўзгаришини (8)-(13) тенгламаларни аниқ ечимини сонли ечими билан σ хар-хил кийматларида таққослаш графиги. 1-аниқ аналитик ечим; 2,3,4-итерациясиз сонли ечим мос равишда $\sigma = 0.5; 0.7$ ва 1 миқдорларида; 5,6,7,8- итерацияли сонли ечим мос равишда $\sigma = 0.5, 0.7, 1$ ва 1.2 миқдорларида.

(14) кўринишдаги аниқ ечимга эга бўлган (8)-(13) тест масаласини ечиш учун бажарилган ҳисоблаш экспериментлари шуни кўрсатяптики σ миқдори 0.5 дан 1.2 гача ошганда нисбий хато 4% дан 15% гача ортмоқда, лекин итерациялар сони 243 тадан 3 тагача камаймоқда.

Шуни қайд қилиш мумкинки, грунт сувларини нотурғун фильтрация ҳисобларини таклиф қилинган сонли усули ҳар хил йўналишда грунтларни анизотроплилигини ва кўп жинслилигини ҳисобга олади. Ундан ташқари ишлаб чиқилган дастурни ҳар хил чегара шартларида чизиқсиз ҳолатга ҳам осонгина мослаштириш мумкин. Бажарилган тест масалалари шуни кўрсатдики абсолют ва нисбий хатолик йўл қўйилган чегарадан ошмайди. Ушбу ҳолат сонли усулларда бажарилган ҳисобларни ишончлилигини кўрсатади.

Диссертациянинг «Грунтларни анизотроплилигини грунтли тўғон фильтрация режимини ҳосил бўлишига ва фильтрация оқими асосий параметрларига таъсирини ўрганиш» деб номланган учинчи бобида нотурғун фильтрацияни ишлаб чиқилган дастур асосида бажарилган ҳисоблар натижасига кўра фильтрация оқими асосий параметрларига таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган ва таҳлил қилинган.

Ишлаб чиқилган нотурғун фильтрацияни ҳисоблаш усулуби дастурини имкониятлари ва олинган натижаларни ишончлилигини баҳолаш қуйидаги фильтрация мисолида кўрсатилмоқда.

Берилган $\Omega = \{0 < x < L, 0 < y < B, 0 < t < T\}$ областида фильтрация жараёнини ифода этувчи тенгламани кўриб чиқамиз.

$$K_x \frac{\partial^2 H}{\partial x^2} + K_y \frac{\partial^2 H}{\partial y^2} = \mu \frac{\partial H}{\partial t} \quad (15)$$

(15) тенгламани қуйидаги шартлар асосида ечамиз:

бошланғич шарт

$$H(x, y, t)|_{t=0} = f(x, y), \quad (16)$$

ва чегара шартлари

$$\begin{aligned} H(x, y, t)|_{x=0} &= \varphi_1(y, t), H(x, y, t)|_{x=L} = \varphi_2(y, t), \\ H(x, y, t)|_{y=0} &= \psi_1(x, t), H(x, y, t)|_{y=B} = \psi_2(x, t), \end{aligned} \quad (17)$$

$H(x, y, t)$ функцияни (16) ва (17) шартни қаноатлантирувчи қийматини топиш талаб этилади.

Босимсиз фильтрация масалаларини ечиш учун алоҳида хусусиятлар шундан иборатки, бунда тадқиқ қилинаётган фильтрация областида (тўғонда, уни қирғоғида ва заминида) фильтрация оқими депрессия эгри чизигини ҳолати олдиндан маълум эмас ва ушбу масалани сонли усулда ечиш учун чегара шартларидан бири етишмайди. Шунинг учун ушбу масалани ечиш даврида депрессия эгри чизигини турғун фильтрациядаги анизотропияни ҳисобга олиб, аниқланган бошланғич ҳолати олдиндан ҳар бир тўғон тури учун бизга маълум формулалар ёрдамида аниқланади.


Грунтли тўғонлар учун турғун фильтрацияда грунтларни фильтрацияга оид анизотроплилигини ҳисобга олиб депрессия эгри чизигини ҳолатини проф.К.Анахаев ва Р.Ляхевич формулаларидан аниқланди. Анизотроп грунтли нотурғун фильтрация масалаларини ечими тўғонларни қуйидаги турлари учун қуйидаги бошланғич шартларда бажарилди:

Бир жинсли дренажсиз тўғон учун (2-расм).

$t=0$, бўлганда

$$L_1/\lambda H_1 > 1,1 \text{ бўлганда } y = \sqrt{H_1^2 - \frac{(H_1^2 - h_1^2)(x + \varepsilon)}{L - h_1 m_2 + \varepsilon}} \quad (18)$$


$$L_1/\lambda H_1 \leq 1,1 \text{ бўлганда } y = \sqrt{H_1^2 - \frac{x \cdot (H_1^2 - h_1^2)}{L - h_1 \cdot m_2}} \quad (19)$$



2- расм. Бир жинсли анизотроп грунтли тўғонни фильтрация ҳисобининг схемаси.

Дренаж призмали тўғон учун (3 -расм).

$$t=0 \text{ бўлганда } y = H \sqrt{1 - \frac{x + \varepsilon}{L + m_{\partial p} \cdot H_2 + l_{\partial p} + \varepsilon}}; \quad (20)$$



3- расм. Дренаж призмали грунтли тўғонни фильтрация ҳисобининг схемаси.

Қатламли дренажли тўғон (4-расм).


Ҳисобий схема қилиб пастки қиялиги вертикал ($m_2=0$) бўлган дренажни бошланғич А нуқтасидан ўтадиган А. тўғонни қабул қиламиз

$L_1/\lambda H_1 > 1,1$ бўлганда

$$y = H_1 \sqrt{1 - \frac{x+0,5\varepsilon_1\lambda H_1}{L+l_{др}+0,5\varepsilon_1\lambda H_1}} \quad (21)$$

$L_1/\lambda H_1 \leq 1,1$ бўлганда

$$y = H_1 \sqrt{1 - \frac{x}{L+l_{др}}} \quad (22)$$



4-расм. Қатламли дренажли анизотроп грунтли тўғонни фильтрация ҳисобининг схемаси.

Нотурғун фильтрациянинг грунтларни фильтрацияга оид анизотроплилигини ҳисобга олиб, ишлаб чиқилган усулини имкониятлари ва олинган натижаларни тўғрилиги қуйидаги фильтрация мисоли асосида келтирилган.

Сув ўтказмайдиган заминдаги бир жинсли дренаж призмали тўғон учун қуйидаги маълумотлар асосида ҳисоблар бажарилди. Юқори бьефдаги сувни бошланғич чуқурлиги 22 м га тенг; юқори қиялик миқдори $m=3$; пастки қиялик миқдори $m_2=2$. Масала грунтни сув ўтказувчанлигини иккита ҳолати учун ечилди: грунтни изотроп ҳолати $K_x / K_y = 1$ учун ва анизотроп ҳолати $K_x/K_y=2,0; 4,0; 8,0$ учун тўғон танаси грунтини сув берувчанлик коэффиценти $\mu=0,02; 0,2$; сув омборидаги сувни пасайиш тезлиги $\theta= 0,5; 1,0$ м/сут, пастки бьефдаги сув сатҳи ўзгармас ва $H_2=3$ м га тенг деб қабул қилинган. Бошланғич шарт сифатида юқори ва пастки бьефдаги сувни сатҳи

мос равишда 22 ва 3 м га тенг бўлган турғун фильтрация ҳолати қабул қилинган.

Ҳисоблаш натижаларга кўра нотурғун фильтрацияда грунтларни фильтрацияга оид анизотроплилигини тўғон танасида депрессия эгри чизиғи ҳолати ва фильтрация оқими параметрларига таъсири ўрганилди.

Ушбу ҳисобларни тахлили шуни кўрсатдики, анизотроп грунтли тўғонларида сув сатҳини пасайиш тезлиги 0.5, 1.0 м/сут бўлганда депрессия эгри чизиғини пасайиши, дастлабки ҳолатларда сув сатҳидан бир оз орқада қолади ва пасайишни кейинги ҳолатларида сув сатҳи билан деярли бир хил ҳолатга келади. Бунда горизонтал йўналишда фильтрация коэффиценти миқдорини ортиши фильтрация оқими депрессия эгри чизиғи ҳолатига етарли таъсир ўтказади. Бу эса ҳисобий областда фильтрация градиенти миқдорини бир текис тақсимланиши ва градиент максимал миқдорини камайишига олиб келади. Ушбу ҳолат анизотроп фильтрацияда юқори қиялик турғунлиги учун изотроп грунтларга нисбатан қулай вазиат юз берганини кўрсатади. Лекин, юқори бьефда сув сатҳининг пасайишини катта тезликларида (3-5 м/сут ва ундан кўпроқ) депрессия эгри чизиғини пасайиши сув сатҳидан анча орқада қолади ва бунинг натижасида юқори қиялик томонга йуналган сувни гидродинамик босими юз беради. Лекин, сув омбори тўғонларида сувни сатҳини бундай тезликда пасайиши амалда деярли юз бермайди, бундай ҳолат фақат авария натижасида юз бериши мумкин.

Тўғоннинг пастки қиялигида аксинча анизотропия натижасида депрессия эгри чизиғини ҳолати изотропга нисбатан анча кўтарилади. Анизотропия натижасида депрессия эгри чизиғи ҳолатини ортиши дренаж қурилмаларини сув қабул қилувчи юзаларини оширишга олиб келади.

Диссертацияни «**Нотурғун фильтрацияда грунтларни анизотроплилигини грунтли тўғоннинг юқори қиялиги турғунлигига таъсирини баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида нотурғун фильтрацияда анизотроп грунтли тўғонлари қиялигининг турғунлигини аниқлаш ва анизотропияни қиялик турғунлигига таъсирини баҳолаш масалалари кўриб чиқилган. Нотурғун фильтрацияда фильтрация кучларини ҳисобга олиш усуллари тахлил қилинган.

Тўғон қиялигининг турғунлиги ҳисоблари «РУЗО» дастури асосида бажарилди, ушбу дастур Харьков сув оқова лойиҳа институти томонидан ВНИИ ВОДГЕО илмий-услубий ёрдами орқали тузилган.

Дастур ҳисоблашларни К.Терцаги, И.В.Федоров, А.А.Ничипорович ва Р.Р.Чугаев формулалари орқали бажарилади.

Турғунликнинг минимал захира коэффиценти аниқловчи «РУЗО» дастуридаги умумлашган формулани қуйидаги кўринишда ёзилди:

$$K_3 = \sum_{i=1}^{i=0} \frac{(\mu_i G_i \cos \alpha_i - v_i N_i - U_i) \operatorname{tg} \varphi_i + \frac{c_i \Delta b_i}{\cos \alpha_i}}{\frac{1}{R} \sum M_{akm}} \quad (23)$$

бунда: R – силжиш юзасининг радиуси;

$\sum M_{акт}$ - ўпирилиш призмасига таъсир этувчи ҳажмий ва юзадаги кучларни моментлар йиғиндиси;

G_i - i -нчи элементар бўлинмани оғирлиги;

$N_i = (\gamma_b h_b) \frac{\Delta b_i}{\cos \alpha_i}$ - i -бўлинма тубида гидродинамик босимни тенг таъсир этувчи кучи;

μ_i, v_i – қабул қилинган усулда қаттиқ ва суюқ фазалар учун ҳисоблаш элементлари орасида ўзаро таъсирни ҳисобга олувчи коэффициентлар.

Ҳисоблашлар юқори бьефдаги сув сатҳини ҳар хил пасайиш тезликларида нотурғун фильтрация ҳолати учун бажарилди.

Анизотроп грунтли тўғонларида сув сатҳини ҳар хил пасайиш чуқурлигига тўғри келадиган депрессия эгри чизиғини ҳолати диссертациянинг 2-бобида келтирилган ҳисоблаш усули ёрдамида аниқланди.

Юқори бьефдаги сув сатҳи пасайишини ҳар хил тезликларида юқори қиялик турғунлигини ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатдики (1-жадвал), грунтларни фильтрацияга оид анизотроплилигини ҳисобга олиш сув сатҳини пасайиш тезлиги $v=0,5$ ва $1,0$ м/сут бўлганда депрессия эгри чизиғини бир текисда ўзгариши ҳисобига юқори қиялик миқдорини (5-10%) оширади. Сув сатҳининг пасайишини катта тезликларида $v=3,0-5,0$ м/сут бўлганда, юқори қиялик турғунлиги 3-5%га камаяди.

1-жадвал

Юқори қиялик турғунлигини аниқлаш натижалари

Юқори бьефдаги сув сатҳини пасайиш тезлиги м/сут	Сув сатҳини пасайиш вақти сут.	$K_x/K_y=1$ изотроп	$K_x/K_y=4$ анизотроп	$K_x/K_y=8$ анизотроп
V=0.5	T=0	1,75	1,75	1,75
	T=8	1,7	1,72	1,74
	T=12	1,67	1,7	1,71
	T=24	1,48	1,49	1,51
	T=36	1,40	1,41	1,42
	T=44	1,26	1,28	1,30
V=1	T=0	1,75	1,75	1,75
	T=4	1,54	1,56	1,59
	T=6	1,52	1,53	1,55
	T=10	1,44	1,46	1,48
	T=18	1,36	1,38	1,39
	T=22	1,19	1,21	1,25
V=5	T=0	1,75	1,75	1,75
	T=0,8	1,51	1,46	1,47
	T=1,2	1,50	1,42	1,44
	T=2,4	1,46	1,43	1,46
	T=3,6	1,33	1,19	1,27
	T=4,4	1,054	0,93	0,96

Грунтларни анизотроплилигини тўғон пастки қиялиги турғунлигига таъсирини баҳолаш учун диссертациянинг 3 бобида келтирилган маълумотлар асосида изотроп $K_x/K_y=1$ ва анизотроп $K_x/K_y = 8,0$ бўлган

ҳолдаги грунтлар учун депрессия эгри чизиғини ҳолатини аниқлаш натижаларидан фойдаланилди. Қиялик турғунлик ҳисоблари РУЗО дастури асосида бажарилди.

Ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатдики, грунтларни анизотроплилигини ҳисобга олиш пастки қиялик турғунлигини сезиларли даражада камайтиради, бу депрессия эгри чизиғи ҳолатини ортиши ҳисобига юз беради. Бунда анизотроп фильтрацияда қияликни турғунлиги 1,04 га тенг. Изотроп фильтрацияда эса ушбу миқдор 1,35 ни ташкил қилади. Яъни анизотроп фильтрацияда пастки қиялик турғунлиги изотроп фильтрацияга нисбатан 18%га камайди.

Бу эса тўғон пастки қиялигига грунтларни фильтрацияга оид анизотроплилигини таъсири катта эканлигини кўрсатмоқда. Бунда грунтли тўғонларини лойиҳалашда грунтларни анизотроплилигини ҳисобга олиш керак бўлади.

Диссертацияда юқори бьефдаги сув сатҳи пасайганда қияликни бузилишдан ҳимоя қилиш ва дренажларни ҳар хил усуллари таҳлил қилинган.

Ҳозирги пайтда анизотроп грунтли тўғонларида юқори қиялик турғунлигини ошириш бўйича тадбирлар сифатида конструкцияси ҳар хил бўлган фильтрация стаканларидан фойдаланилмоқда. Бундай стаканларнинг уч хил конструкциясига Х.Файзиев томонидан патент олинган. Ушбу стаканларнинг самарадорлиги бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ушбу соҳада бажарилган ишларни таҳлил қилиб, дастлабки олинган натижалар шуни кўрсатдики, анизотроп грунтли тўғонларида тўғон қиялиги турғунлигини оширувчи тадбирларни танлаш грунтларни қайси йўналишда анизотроплилигига боғлиқ экан. Агарда $K_{гор} > K_{вер}$ бўлганда вертикал дренажлар ва фильтрация стаканларидан, $K_{гор} < K_{вер}$ бўлганда эса бир қаватли ва кўп қаватли горизонтал қатламли дренажлардан фойдаланиш юқори самара беради.

Пастки қиялик турғунлигини ошириш учун грунтли тўғон танасида фильтрацияга қарши тадбирлар амалга ошириш тавсия этилади. Шундай тадбирлардан бири Ўрта-тўқай сув омбори грунтли тўғонида қўлланилган. Ушбу тўғон танасида грунтларни фильтрацияга оид анизотроплилигини ҳисобга олмаслик натижасида пастки бьефга сизиб чиқаётган депрессия эгри чизиғини ҳолати кўтарилиб тўғон қиялиги турғунлигига катта ҳафв туғдирган. Ушбу ҳолатни бартараф этиш учун тўғон марказида фильтрация коэффиценти грунт танасидагига нисбатан 40 марта кичик бўлган грунтдан фильтрацияга қарши завеса (тўсиқ) қилинган ва депрессия эгри чизиғининг ҳолати пасайтирилган ва бунинг натижасида иншоотдан нормал фойдаланишга эришилган.

Шундай қилиб грунтларни анизотропик хоссалари ҳисобга олмаслик натижасида фильтрация оқимини ўзгариши (депрессия эгри чизиғи ҳолати, босимни кесим бўйича тарқалиши, босим градиенти ва фильтрация тезлигини) тўғон қиялиги турғунлигига таъсир кўрсатган.

Шунинг учун грунтли тўғонларининг пастки қиялиги турғунлигини ҳисоблашда грунтларни фильтрацияга оид анизотроплигини ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга бўлади.

ХУЛОСА

“Анизотроп грунтли тўғонларида нотурғун фильтрацияни ҳисоблаш усуллари тақомиллаштириш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Бугунги кунда шу нарса маълум бўлдики, кўпгина грунт қатламлари ўзини табиатига кўра анизотроп ҳисобланади. Амалда барча чўқувчан грунтлар у ёки бу даражада деформация, фильтрация ёки мустаҳкамликка оид анизотропияга эга. Уни ҳисобга олмасдан грунтли тўғонлар ва грунтли ҳудудларни ҳисоблаш усулини тақомиллаштиришни тасаввур қилиш мумкин эмас.

2. Кўплаб олимларни олиб борган экспериментал тадқиқотлари шуни кўрсатдики, барча тадқиқ қилинган гилли ва лёссимон грунт намуналари фильтрацияга оид анизотропияга эга. Тадқиқотларда грунтни сув ўтказувчанлиги вертикал йўналишда, горизонтал йўналишдагидан $1,18 \div 8,32$ марта каттароқ экан. Шунинг учун грунтларни тадқиқ қилишда уларни физик-механик хоссалари билан бир қаторда уларни горизонтал ва вертикал йўналишдаги фильтрация коэффицентини ҳам ўрганиш кераклиги қайд этиб ўтилган.

3. Анизотроп грунтлардаги фильтрация масалаларига кўплаб ишлар бағишланганига қарамасдан ушбу муаммо бугунги кунда охиригача ечилмаган ва долзарб ҳисобланади. Грунтли тўғонларни мавжуд фильтрацияга ҳисоблаш усуллари ҳозирги пайтгача тўғон танаси грунтлари анизотроплигини тўлиқ ҳисобга олмайди бу эса тўғонларни қуриш ва ундан фойдаланиш шароитларига таъсир қилади айрим ҳолларда эса уларни халокатга учраши ва бузилишига сабабчи бўлади.

4. Чекли айирмалар усули асосида грунтли тўғон танаси ва заминида грунтларни анизотроплигини ҳисобга олиб, нотурғун фильтрацияни ҳисоблаш усули тақомиллаштирилди. Ҳисоблаш дастури ва алгоритми тузилди. Ишлаб чиқилган ҳисоблаш усули ва дастурини аниқлиги тест масалаларини ечиш орқали амалга оширилди. Тест масалаларини ечиш натижалари шуни кўрсатдики босимли ва босимсиз фильтрация масалаларини ечишда ушбу усул етарли аниқликдаги натижаларни олиш имкониятини беради.

5. Сув омборида сув сатҳи пасайиш ҳолати учун грунтларни анизотроплигини фильтрация оқими ҳолати ва параметрларига таъсири ўрганилди. Шу нарса аниқландики, сув омборидаги сув сатҳини пасайиш тезлиги ошганда фильтрация градиенти ва мос равишда фильтрация кучлари миқдори ортади. Бу эса анизотроп грунтли тўғон элементлари фильтрацияга

қарши мустақамлигини баҳолаш ва уларни қияликларининг турғунлигини текшириш имкониятини беради.

6. Анизотроп грунтли тўғон қиялигини турғунлигини нотурғун фильтрацияда ҳисоблаш жараёнида фильтрация кучлари таъсирини тўғри ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга эканлиги асосланган. Мавжуд усулларни тахлили шуни кўрсатдики фильтрация кучларини ҳисобга олишда И.Федоров ва В. Забавин таклиф қилган усуллардан фойдаланиш аниқроқ натижаларга эришиш имкониятини яратади.

7. Грунтларни анизотроплилигини ҳисобга олиб юқори қиялик турғунлигини ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатдики, сув сатҳини пасайиш тезлигини 2 м/суткагача бўлган кичик миқдорларида ҳисобий областда фильтрация босимини бир текисда тарқалиши ҳисобига юқори қиялик турғунлиги изотроп грунтли тўғонлариникига нисбатан ортади. Сув сатҳини пасайиш тезлигини катта миқдорларида (3-5м/сут ва ундан каттароқ) депрессия эгри чизиғи сув сатҳидан сезиларли даражада орқада қолиши ва сувни юқори қиялик томонга йўналган гидродинамик босими ҳосил бўлиши мумкин. Бу эса ўз навбатида юқори қиялик турғунлигини камайишига олиб келади.

8. Грунтларни анизотроплилигини ҳисобга олиш пастки қиялик турғунлигини сезиларли даражада камайтиради, бу депрессия эгри чизиғи ҳолатини ортиши ҳисобига юз беради.

9. Сув сатҳи бирданига пасайганда қиялик миқдори турғунлигини оширувчи конструктив чора тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги асосланди. Анизотроп грунтли тўғонларида бундай тадбирлар сифатида $K_{гор.} > K_{вер}$ бўлганда вертикал дренажлар ва фильтрация стаканларидан, $K_{гор.} < K_{вер}$ бўлганда эса горизонтал кўп қаватли қатламли дренажлардан фойдаланиш тавсия этилди. Тўғон таянч призмаларини дренажлаш схемаларидан рационал фойдаланиш кўп ҳолларда қурилиш ҳажми ва қийматини кескин равишда камайтиради.

10. Диссертация натижаларидан Сардоба грунтли тўғонини лойиҳалашда ва Резаксой, Чортоқ ва Каттақўрғон сув омборлари грунтли тўғонларини эксплуатация қилиш жараёнида фойдаланилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО
ХОЗЯЙСТВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНЫЙ
ИНСТИТУТ**

БАЙМАТОВ ШАХРИДДИН ХУШВАКТОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ РАСЧЕТА
НЕУСТАНОВИВШЕЙСЯ ФИЛЬТРАЦИИ В ПЛОТИНАХ С
АНИЗОТРОПНЫМИ ГРУНТАМИ**

05.09.06- Гидротехническое и мелиоративное строительство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.2.PhD/T1228

Диссертация выполнена в Ташкентском архитектурно-строительном институте. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу tiame.uz и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz.)

Научный руководитель: **Файзиев Хомитхон**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Эшев Собир Саматович**
доктор технических наук, профессор

Рахматов Норкобил Рахматович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: Ташкентский государственный технический университет им. И.А.Каримова (ТГТУ)

Защита диссертации состоится « 17 » января 2020 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017. Т. 10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации, сельского хозяйства (Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары – Ниязова, 39, Тел: (+99871) 237-19-61, 237-22-09 Факс: (+99871) 237-54-79, e-mail: admin@tiim.uz.

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (зарегистрирована № 121). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары – Ниязова, 39. Тел: (+99871) 237-19-45. e-mail: (admin@tiame.uz).

Автореферат диссертации разослан « 30 » 12 2019 года.
(реестр протокола рассылки № 121 от « 30 » 12 2019 г.)



Т.З.Султонов
Председатель научного совета по присуждению ученой степени, д. т.н.

А.А.Янгиев
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученой степени, д.т.н., профессор

М.Р.Бакиев
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученой степени, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации.

В мире активно возводятся крупные гидроузлы, которые имеют в своём составе многочисленные грунтовые плотины. При проектировании и строительстве таких гидроузлов, одной из важнейших задач является обеспечение их безопасности. В связи с этим, вопросы повышения эксплуатационной надёжности гидротехнических сооружений, обеспечение прочности и устойчивости их имеет особо важное значение. В частности во многих странах мира, например в США, Англии, Испании, Франции, России, Японии, Индии и других развитых государствах особое внимание уделяется разработке эффективных методов проектирования грунтовых плотин, повышения их прочности и устойчивости, а также обеспечения их эксплуатационной надёжности.

В мире особое внимание уделяется целенаправленным научным исследованиям, изучением неустановившейся фильтрации в грунтовых плотинах с учетом анизотропности грунтов, и влияние анизотропности грунтов на устойчивость верхового откоса грунтовых плотин. В связи с этим, одной из важных задач является совершенствование методов расчета неустановившейся фильтрации в теле и основании грунтовых плотин, оценка влияния анизотропности грунтов на устойчивость верхового откоса грунтовых плотин и разработка мероприятий повышающих устойчивость их откосов.

В настоящее время, в Республике ведутся обширные исследования, направленные на изучение неустановившейся фильтрации в грунтовых плотинах с учетом фильтрационной анизотропности грунтов, обеспечение надёжности и безопасности, увеличение их срока службы, и разработке критерии безопасности. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 гг. поставлены задачи, в том числе «развитие мелиоративных и ирригационных объектов для повышения конкурентоспособности национальной экономики»¹. В решении данных задач, важное значение имеет проведение научно-исследовательских работ, направленных на совершенствование методов расчета неустановившейся фильтрации в теле и основании грунтовых плотин с учетом фильтрационной анизотропности грунтов, оценка влияния анизотропности грунтов на устойчивость верхового откоса плотин и разработка мероприятий по повышению устойчивости их откосов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан и Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-3286 от 25 сентября 2017 года «О

¹Постановление Президента Республики Узбекистан ПФ -4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны водных объектов», ПП-1926 от 28 февраля 2013 года «О дополнительных мерах по защите населения и территории Республики Узбекистан от чрезвычайных ситуаций, связанных с селевыми и оползновыми явлениями», ПП-2947 от 2 мая 2017 года «О программе мер по дальнейшему развитию гидроэнергетики на 2017 — 2021 годы» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследованию с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики Узбекистан.

Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики: VIII «Наука о земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

Степень изученности проблемы.

Теоретические и экспериментальные исследования посвященные расчетам неустановившейся фильтрации с учетом анизотропности грунтов отражены в работах зарубежных и республиканских ученых в том числе: Н.Н.Павловского, Н.Е.Жуковского, В.И.Аравина, С.Н.Нумерова, Н.А.Анискина, Н.Н.Веригина, М.И.Детковой, Г.Н.Кононенко, А.Л.Можевитинова, А.Г.Сулейманова, В.П.Недрига, П.Я.Полубаринова-Кочиной, Л.Н.Рассказова, К.Н.Анахаева, Г.И.Покровского, В.В.Бухарцева, Р.А.Ляхевича, М.Мемарианфарда, И.С.Теплицкого, В.М.Шестакова, Г.Шниттера, С.М.Горюнова, М.Р.Бакиева, Э.Ж.Махмудова, О.М.Арифжанова, И.К.Хужаева, С.Н.Бабакаева, Т.Хожиева, Х.Файзиева, И.Хажиева и др.

Работы, посвященные исследованиям прочности и устойчивости грунтовых плотин, изучению влияния анизотропности грунтов при неустановившейся фильтрации на устойчивость откосов плотин, разработке конструктивных мероприятий, повышающих устойчивость откосов подробно изложены в работах В.В.Соколовского, С.С.Голушкевича, В.Г.Березанцева, В.Феллениуса, К.Терцаги, Г.Крей, А.А.Ничипоровича, Д.Тейлора, И.В.Федорова, Н.Н.Маслова, А.Л.Можевитинова, Р.Р.Чугаева, М.М.Гришина, А.И.Иванова, Н.С.Моргунова, Л.Н.Рассказова, А.Л.Голдина, Н.А.Анискина, В.В.Бухарцева, В.С.Забавина, М.М.Мирсаидова, М.Р.Бакиева, К.Д.Салямовой, Т.З.Султанова, Х.Файзиева и других и достигнуты некоторые положительные результаты.

